

**“АЛ-ФИҚҲ АЛ-АКБАР” АСАРИНИНГ  
МУАЛЛИФИ ВА САНАДИ БОРАСИДАГИ  
ҚАРАШЛАР****МНЕНИЯ ОБ АВТОРЕ И САНАДЕ “АЛ-  
ФИКХ АЛ-АКБАР”****VIEWS ON THE SANAD AND AUTHOR OF  
AL-FIQH AL-AKBAR****PRIMOV SOATMUROD URALOVICH**

Deputy of rector for scientific affairs in  
Tashkent Islamic institute named after Imam Bukhari,  
Doctor of Philosophy in Islamic Studies (PhD), dosent  
[soatmurot.tii@gmail.com](mailto:soatmurot.tii@gmail.com)

100002, Republic of Uzbekistan, Tashkent city,  
Almazor district, Zarqaynar 18-berk street, 47.

**DOI: 10.47980/IIAU/2024/2/2**

**Аннотация.** Ушбу мақолада “ал-Фикҳ ал-акбар” асарининг Имом Абу Ҳанифага тегишлиги борасидаги ҳозирги даврда қўтарилаётган баъзи фикрлар аслида қандай пайдо бўлгани борасида сўз кетган. Шунингдек, мазкур асарнинг Абу Ҳанифага тегишли экани 40 яқин мўтабар манбалар асосида исботлаб берилган. Ўтмишида биринчилардан бўлиб, мўтазила фирқаси вакиллари “ал-Фикҳ ал-акбар” асарини Имом Абу Ҳанифа ёзганлигини инкор қилишган ва улар нима мақсадда бундай қилганликлари очиб берилган. Мазкур асарда мўтазилийларнинг асосий ақидаларига раддия бўлгани учун уни инкор этиши йўлига ўтиб олганлари қайд этилган. Ушбу масала борасида Ғарб тадқиқотчиларининг фикрлари ва қарашлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур асарда Қуръон оятлари ва ҳадислар келтирилмаганлиги ва баъзи фикҳий масалаларнинг зикр қилинганлиги сабаб қилиб, муаллифи Имом Абу Ҳанифа экани борасида шубҳа билдирадиган фикрлари асоссиз экани баён қилинган.

Айрим тадқиқотчилар фикрича, “ал-Фикҳ ал-акбар” асарида келтирилган айрим калом илмига оид мавзулар ва жавҳар (модда, материя, атом, эссенция) ёки араз (акседенция, симптом) сингари юнон ва араб бўлмаган бошқа файласуфлар асарида келган фалсафий истилоҳлар Имом Абу Ҳанифа яшаган даврда тарқалмагани унинг муаллиф томонидан ёзилганлиги шубҳа остига қўйилиши зикр қилинган. Бироқ, Имом Абу Ҳанифа мазкур атамаларни билмаган, дейиши асосли эмас. Чунки юнон ва араб бўлмаган файласуфларнинг асарларини таржима қилиши унинг замонида ҳали кенг оммавий тўс олмаган бўлмаса-да, лекин бир қанча фалсафий асарлар тўлиқ таржима қилиши ва улар билан танилиши бошланган эди. Бунини умавийлар ва аббосийларнинг илк даврларидаги таржима ишлари бўйича олиб борилган тадқиқотларда ҳам қўриши мумкин.

“Ал-Фикҳ ал-акбар” асарининг уста санади мавжуд экани, уларнинг ичида энг маишхури Ҳафид номи билан маишхур бўлган Мухаммад ибн Мустақо Оширнинг (1142-1219/1730-1804) санади ҳисобланади. Мазкур санадда 30 ровий орқали Имом Абу Ҳанифага боғланади. Бу санадининг маишхур бўлиши сабабларидан бири, ҳанафий ровийлардан таишқари унда моликий, шофеъий ва ҳанбалий уламолар ҳам бор.

Имом Абу Ҳанифага тегишли ақидавий асарлар орасида энг ишончлиси “ал-Фикҳ ал-акбар” бўлиб, унда ҳанафийлик ва мотуридийликнинг энг асосий ақидалари ёритилган. Шунинг учун ҳанафийлар кўпроқ яшайдиган Мовароуннаҳр, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Ироқ ва Сурия ўлкаларидаги ҳозиргача мазкур асар тўлиғича мукамал ва муфассал равишда ўқитилади. Шунингдек, мадрасаларнинг асосий ўқув қўлланмалари қаторида туради ва уни талабалар бошдан-оёқ ёд оладилар.

**Калит сўзлар:** Ақида, ровий, санад, мўтазила, жаҳмия, иститоат, имон, тасдиқ, иқрор, хавориж.

**Аннотация.** В данной статье рассматривается, как на самом деле возникли некоторые существующие мнения об актуальности труда имама Абу Ханифы “ал-Фикх ал-Акбар”. Также на основании около 40 достоверных источников доказано, что эта работа принадлежит Абу Ханифе. В прошлом представители мутазилитов были одними из первых, кто отрицал, что имам Абу Ханифа написал “ал-Фикх ал-Акбар”, и выяснилось, почему они это сделали. В данной работе отмечается, что мутазилиты пошли по пути отрицания данного труда, поскольку это противоречило их основным положениям. Анализируются мнения и взгляды западных исследователей по данному вопросу. Кроме того, утверждается, что сомнения в авторстве имама Абу Ханифы беспочвенны, поскольку в данной работе не приводятся аяты и хадисы Корана, а также затрагиваются некоторые вопросы юриспруденции.

По мнению некоторых исследователей, некоторые темы, связанные с наукой теологии и сущностью или аразом (восхождением, признаком), представленные в произведении “ал-Фикх ал-Акбар”, были переняты из работ других негреческих и неарабских ученых. Также еще при жизни имама Абу Ханифы выражалось сомнение в его авторстве этого произведения. Однако безосновательно было бы утверждать, что имам Абу Ханифа не знал этих терминов. Потому что переводы сочинений греческих и неарабских философов еще не принял в его время широко распространенной формы, но для ряда философских сочинений уже было положено начало перевода и научная общественность стала знакомиться с ними. Это также можно увидеть в исследованиях переводческой работы ранних периодов Омейядов и Аббасидов.

Существуют основные тексты «ал-Фикх ал-Акбар», наиболее известным среди них является текст Мухаммада ибн Мустаки Ашира (1142-1219/1730-1804), известного как Хафид. Этот санад связан с имамом Абу Ханифой через 30 передатчиков. Одна из причин популярности этого санада заключается в том, что помимо ханафитских передатчиков

в него входят также маликитские, шафиитские и ханбалитские ученые.

Среди доктринальных произведений, автором которых утверждается имам Абу Ханифа, наиболее достоверным является “ал-Фикх ал-Акбар”, в котором излагаются основные положения ханафизма и матуридизма. Поэтому эту работу полностью и подробно преподают в Мовароуннахре, Турции, Индии, Пакистане, Ираке и Сирии, где большинство начеселния составляют ханафиты. Данный труд также является одним из основных учебников медресе и заучивается студентами.

**Ключевые слова:** акида, рассказчик, санад, мутазила, джахмия, иститаат, вера, утверждение, исповедание, хаваридж.

**Abstract.** This article discusses how some of the current opinions about the relevance of Imam Abu Hanifa to the book of “al-Fiqh al-akbar” actually came about. Also, it has been proven that this book belongs to Abu Hanifa based on about 40 reliable sources. In the past, the representatives of the Mu'tazilites were among the first to deny that Imam Abu Hanifa had written the book al-Fiqh al-Akbar; and it was revealed in the article why they did so. In this work, it is noted that the Mu'tazilites went on the path of denying it because it contradicted their main tenets. The opinions and views of Western researchers on this issue are analyzed. In addition, it is stated that the doubts about the authorship of Imam Abu Hanifa are groundless, because the Qur'anic verses and hadiths are not cited in this work, and some jurisprudential issues are mentioned.

According to some researchers, some of the themes related to the science of theology and the philosophical terms such as jawhar (substance, matter, essence) or araz (ascendence, symptom) presented in the book “al-Fiqh al-akbar” were passed down from the books of other non-Greek and non-Arab philosophers. It has been mentioned that the philosophical reforms did not spread during the lifetime of Imam Abu Hanifa, which casts doubt on the author's authorship. However, it is not reasonable to say that Imam Abu Hanifa did not know these terms. Because the translation of the works of Greek and non-Arabic philosophers had not yet taken a widespread form in his time, but a number of philosophical works had begun to be translated and familiarized with them. This can also be seen in studies of the translation work of the early Umayyad and Abbasid periods.

There are master texts of Al-Fiqh al-Akbar; the most famous among them is the text of Muhammad ibn Mustafa Ashir (1142-1219/1730-1804), known as Hafid. This sanad is linked to Imam Abu Hanifa through 30 narrators. One of the reasons for the popularity of this sanad is that in addition to Hanafi narrators, it also includes Maliki, Shafi'i and Hanbali scholars.

Among the doctrinal works attributed to Imam Abu Hanifa, the most reliable is “al-Fiqh al-akbar”, in which the main tenets of Hanafism and Maturidism are explained. Therefore, this book is taught in full and in detail in Movarunnahr, Turkey, India, Pakistan, Iraq and Syria, where Hanafis live more. It is also one of the main textbooks of madrasahs and is memorized by students.

**Key words:** Aqidah, narrator, sanad, mutazilah, jahmiyyah, istitaat, faith, affirmation, confession, hawarij.

## КИРИШ

Бугунги кунда айрим ғаразли мақсаддаги кимсаларнинг олиб бораётган услубларидан бири ислом уламолари ва уларнинг илмий меросига нисбатан шубҳа пайдо қилиш ва уларни обрўсизлантириш ҳамда омма мусулмонлар қалбидан уларга нисбатан ҳурмат-иззатни йўқотишга қаратилган ҳаракатларни айтиб ўтиш мумкин. Ана шундай ҳаракатлардан бири – ислом манбаларига тил теккизиш, уларнинг асл манба эканини ва эътиборини камситиш, муаллифга тегишлилик масаласини шубҳа остига қўйиш ҳисобланади. Жумладан, “ал-Фикҳ ал-акбар” асарининг муаллифи борасида ҳам турли иддаолар ва фикрлар тарқалган. Мазкур асарнинг муаллифи Имом Абу Ҳанифа экани борасида ҳозирги даврда турли фикрлар билдирилса-да, баъзи тадқиқотчилар бу фикрлар XX асрда пайдо бўлганини ҳамда ўрта асрлардан XX асрга қадар бирор олим бу борада бошқача фикр билдиргани маълум эмаслигини таъкидлашади (Aminov Hamidulloh, 2022:58).

## УСЛУБЛАР

Ваҳоланки, бир қанча мўътабар манбаларда мазкур асар ҳақиқатда Имом Абу Ҳанифага тегишли эканига доир далиллар келган. Жумладан, Имом Абу Мансур Мотуридийга (256-333/870-944) нисбат бериладиган “Шарҳ ал-фикҳ ал-акбар” асарида қуйидагилар зикр қилинган: “Ҳақиқатда, сизлар мендан (Аллоҳ сизларни тақво билан икром қилсин) Абу Ҳанифа разияллоҳу анҳуга саҳиҳ иснод билан нисбат берилувчи “ал-Фикҳ ал-акбар” асарига шарҳ ёзишимни сўрадиларингиз. Мен сизларнинг ушбу илтимосларингизга жавоб бердим” (Abu Mansur Muhammad Samarqandiy Moturidiy, 1903:5).

Мазкур шарҳнинг қўлёзмаларида Абул Лайс Самарқандий (ваф. 373/983), Абу Бакр ибн Фурак (ваф. 406/1015), Исмоил ибн Исҳоқ Ҳатирий (тахминан XI аср) каби уламолар ҳам “Шарҳ ал-фикҳ ал-акбар” асарига шарҳ ёзганлари қайд этилган.

Таниқли адиб Ибн Надим (ваф. 438/1047) ислом оламида илк ёзилган биобиблиографик китоби – “ал-Фихрист” (“Мундарижа”)да Имом Абу Ҳанифанинг бир нечта асарларини зикр қилган: “Унинг асарларидан – “ал-Фикҳ ал-акбар” китоби, Усмон Баттийга ёзган рисоласи, Абу Муқотил ривоят қилган “Китоб ал-олим вал-мутааллим” китоби, “ар-Радд алал-қадария”

китоби. Унинг ёзган асарлари асосида илм денгизу қуруқликларга, Шарқу Ғарбга, узоқ ва яқинга тарқалиб кетди” (*Ibn Nadim, 1971:276*).

“Ал-Фихрист” асари хижрий V асрга қадар ислом оламида яшаб ўтган қарийб барча муаллифлар, мутафаккир, донишманд ва уламоларнинг асарларининг батафсил рўйхати ва мундарижаси берилган ўта муҳим манба ҳисобланади. Бугунги кунда бутун дунёдаги тадқиқотчилар ва мутахассислар ушбу манба мурожаат қилиб келади. Демак, ислом оламида илк биобиблиографик асарда ҳам “ал-Фикҳ ал-акбар” асари Имом Абу Ҳанифага тегишли экани қайд этилган.

Шунингдек, Абу Мансур Абдулқоҳир Бағдодий (ваф. 429/1037) “Усул ад-дин” (“Диннинг асослари”) ва “ал-Фарқ байн ал-фирак” (“Фирқалар орасини ажратиш”) номли асарларида Имом Абу Ҳанифанинг “ал-Фикҳ ал-акбар” билан “ар-Радд ала л-қадария” асарлари битта китоб эканини зикр қилган: “Фақиҳлар ва мазҳаббоши уламолардан мутакаллим уламоларнинг дастлабкилари Абу Ҳанифа ва Шофеъийдир. Абу Ҳанифанинг қадарийларга қарши ёзган раддия китоби бўлиб, уни “ал-Фикҳ ал-акбар”, деб номлаган. Яна унинг (инсонга Аллоҳ таоло томонидан ато қилинадиган) ҳақиқий қудрат феъл (инсоннинг иш-ҳаракати) билан бирга пайдо бўлиши борасида аҳли сунна вал жамоани қўллаб-қувватлаш мақсадида рисола имло қилдирган” (*Abdulqohir Bag ‘dodiy Shofe ‘iy, 1988:314.; Abdulqohir Bag ‘dodiy Shofe ‘iy, 1928:308*).

Шунингдек, машхур ҳанафий мазҳаб уламоларидан Фахрулислом Паздавий (400-482/1010-1089) усул ал-фикҳа доир “Усул ал-Баздавий” (“Паздавийнинг усули”) номли китобининг муқаддимасида “ал-Фикҳ ал-акбар” Имом Абу Ҳанифа асари эканини қуйидагича алоҳида таъкидлаб ўтган: “Дарҳақиқат, Абу Ҳанифа разияллоҳу анҳу бу борада “ал-Фикҳ ал-акбар” “Китоб ал-олим ва-л-мутааллим”, “ар-Рисола” китобларини ёзган. Унда: “Бирор кимсани гуноҳ сабабидан кофирга чиқарилмайди ва имондан чиқмайди ҳамда унга раҳмат сўраб дуо қилинади. У зот усул илмида ростгўй имом эди” (*Faxrulislom Ali Bazdaviy, 2016:89-90*).

Таниқли ҳанафий олими Садрулислом Абулқоср Паздавий (421-493/1030-1100) “Усул ад-дин” (“Дин асослари”) асарида “Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ калом илмини ўрганган ва унинг ёрдамида мўътазила ва бошқа адашган фирқа вакиллари билан баҳс-мунозара олиб борган. Дастлабки вақтларда шогирдларига бу илмни ўргатар эди. Калом илмига оид бир қанча китоблар ёзган бўлиб, уларнинг айримлари бизгача етиб келган. Бироқ адашган тоифа ва фирқалар аксар асарларини йўқ қилишган. Бизгача “Китоб ал-олим вал-мутааллим”

ва “Китоб ал-фикҳ ал-акбар” асарлари етиб келган” (*Abulyusr Muhammad Bazdaviy, 2003:15*).

Шофеъий мазҳаб уламоларидан Абулмузаффар Исфароиний (ваф. 471/1078 й.) “ат-Тафсири фи-л-дин” (“Динни баён қилиш”) номли асарида Имом Абу Ҳанифанинг “ал-Фикҳ ал-акбар” ва бошқа асарларини зикр қилиб, у зотга таъна қилувчиларнинг ўзи адашган эканини алоҳида таъкидлаган: “Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳнинг калом илмига оид ёзган “Китоб ал-олим ва-л-мутааллим” асарига қаранг. Бу асарда даҳрийлар ва адашган тоифаларга қарши кучли ҳужжатлар келтирилган. Дарҳақиқат, у зот мутакаллимларнинг эътиқодини шарҳлаган ва муҳолифларга раддия беришда гўзал йўлни танлаган. У зотнинг “ал-Фикҳ ал-акбар” асарини бизга ишончли йўл ва саҳиҳ санадлар билан Нусайр ибн Яҳёдан, у Абу Мутъадан, у эса Абу Ҳанифадан ишончли ровийлар орқали хабар беришган. Имом Абу Ҳанифа “ал-Васият” асарини Абу Амр Усмон Баттий учун ёзган ва унда адашганларга раддиялар берган. Имом Шофеъийнинг ёзган асарларига қаранг, икки мазҳаб ўртасида бирорта ҳолатда фарқни топмайсиз. Биз зикр қилганимиздан бошқа нарсаларни уларнинг мазҳаби номидан айтиладиганларнинг барчаси ғирт ёлғон бўлиб, ўзининг нотўғри ақидасини ривожлантириш учун бирорта бидъатчининг ўйлаб топгани бўлади. Динда ҳақиқий-тўғри ақида бўлмаган кимса дин имомларига турли хурфотларни нисбат беришдан тап тортмайди. Чунки Аллоҳга ва Унинг Расулига нисбатан ёлғон тўқир экан, мусулмонлар имомларига нисбатан ёлғон гапиришдан ҳайикмайди. Қадарий ва рофизийларнинг гапларидан бирор бузук ақидага аралашиб қолган кимса уларга эргашган ҳолатда ўша гапларни ҳанафийларнинг пайдо қилган нарсаси, деб тарқатган ҳолатлар ҳам бўлгани ҳақиқат. Қачон у аҳли суннанинг қиличидан кўркса, ўзининг бузук ақидаларини Абу Ҳанифага нисбат бериб, мана шу йўл билан ҳимояланиб олади. Улар ўзларининг нотўғри ақидаларини у зотга нисбат беришлари сизни алдаб қўямасин. Чунки Абу Ҳанифа улардан ҳам, улар нисбат бераётган ботил ақидаларидан ҳам йироқдир. Аллоҳ таоло аҳли суннани адашган тоифаларнинг нисбат бераётган ботил ақидаларидан ўзи асрайди” (*Abulmuzaffar Isfaroiniy, 1955:165-166*).

Шунингдек, Абул Муин Насафий (418-508/1027-1115) “Тафсиратул адилла”, ханбалий мазҳаб олими Ибн Қудома Ханбалий (541-620/1146-1223) “Исбот сифат ал-улув”, Бадриддин Заркаший (745-494/1344-1392) “ал-Баҳр ал-муҳит” ҳамда Ҳофизуддин Абул Барокат Насафий (ваф. 710/1310 й.) “Кашф ал-асрор” номли асарларида “ал-Фикҳ ал-акбар” китоби Абу Ҳанифаники эканини зикр қилганлар (*Abul*

*Muin Nasafiy, 1993:38-39.; Ibn Qudoma Maqdisiy, 1988:170.; Badriddin Zarkashiy, 1992:23.; Hofizuddin Abul Barokat Nasafiy, 2010:7).*

Хусомиддин Сигнокий (ваф. 711/1311 й.) “ал-Кофий” асарида ва Алоуддин Абдулазиз Бухорий (ваф. 730/1330 й.) “Кашф ал-асрор” асарида Абу Ҳанифа “ал-Фикҳ ал-акбар” асарини нима сабабдан шу ном билан номлаганини куйидагича баён қилган: “Чунки илмнинг буюклиги ва шарафи унда ўргатиладиган маълумотларнинг муҳимлигига боғлиқ бўлади. Ҳолбуки, бу (ақида) илмида ўргатиладиган нарса Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатлари бўлар экан, бу илмдан каттароқ бирор илм бўлмайди. Шу эътибордан ушбу асар “ал-Фикҳ ал-акбар”, деб номланишга сазовор бўлди” (*Husomiddin Sig'noqi, 2001:157.; Alouddin Abdulaziz Buxoriy, 1890:8).*

Жалолиддин Хоразмий Гурлоний (ваф. 768/1367 й.) “аш-Шофий фи-л-усул” номли асарида “Имом Абу Ҳанифа мўътазилий ақидасида бўлган”, дегувчи айрим кимсаларга раддия бор эканини алоҳида қайд этган: “Дарҳақиқат, Абу Ҳанифа тавҳид ва сифатлар илми борасида “Китоб ал-фикҳ ал-акбар” асарини ёзган. Зотан, илмнинг шарафи ва улўғлиги унда ўргатиладиган маълумотларнинг ишончилиги ва аниқлигига боғлиқ. Мазкур асарда “Абу Ҳанифа мўътазилийлик ақидасида бўлган”, дегувчи баъзи мўътазилийларнинг сўзига раддия берилган” (*Jaloliddin Xorazmiy Gurloniy, № mmnw4509:3a.; Ketabpediya.com.; Akmaluddin Bobartiy, 1997:28-30).*

Ибн Абулииз Ҳанафийнинг (731-792/1331-1390) “Шарҳ ал-ақида ат-таҳовия” асари “Ал-Фикҳ ал-акбар” китобининг муаллифи Имом Абу Ҳанифа эканини инкор қилувчилар ўртасида машҳур бўлган ва унинг нашрлари эътибор марказида бўлган. Мазкур шарҳнинг илк муқаддимасидаёқ “ал-Фикҳ ал-акбар” асари Имом Абу Ҳанифага тегишли экани қайд этилган ва бир неча ўринларда ундан иқтибослар келтирилган: “Имом Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ дин асослари борасида тўплаган ва ёзган варақларини “ал-Фикҳ ал-акбар” деб номлаган. Бандалар бу асарга эҳтиёжи ва зарурати бошқа нарсаларга бўлган эҳтиёж ва заруратларидан юқори бўлган” (*Ibn Abulizz Dimashqiy, 1993:5).*

Мухаммад Кардарий Баззоий (729-816/1329-1413) “Маноқиб ал-Имом ал-аъзам” асарида “ал-Фикҳ ал-акбар” асарининг муаллифи Имом Абу Ҳанифа экани борасида мўътазилийларнинг иддаосига куйидагича раддия беради: “Агар сиз “Абу Ҳанифанинг бирор китоби йўқ” деб айтсангиз, мен буни мўътазилийларнинг гапи ва даъвоси, деб айтаман. Уларнинг даъвоси бўйича у зотнинг калом илми борасида бирор китоб йўқ эмиш. Уларнинг мазкур ғаразли иддаосидан “ал-Фикҳ ал-

акбар” ва “Китоб ал-олим вал-мутааллим” китобларини инкор қилиш мақсад қилинган. Чунки мазкур икки китобда аҳли сунна вал жамоанинг кўплаб ақидавий масалалари очикча зикр қилинган. Уларнинг даъвосига кўра, у зот мўътазилий бўлган, дейиш бўлиб, юқоридаги китобларни Абу Ҳанифа Бухорийники дейишдир. Бу очик-ойдин хато. Албатта, мен мавлоно Шамсмилла вад-дин Кардарий Бароткиний Имодийнинг бу икки китобни кўчирган дасхатини кўрганман. Уларда “Бу икки китоб Абу Ҳанифаники” деб ёзилган. Ҳақиқатан ҳам, кўпчилик уламолар бу китобларга эътибор қаратишганлар” (*Hofizuddin Muhammad ibn Bazzoz Kardariy, 1903:107-108).*

## НАТИЖАЛАР

“ал-Фикҳ ал-акбар” асарини Имом Абу Ҳанифа ёзмаган” деган сўзни дастлаб мўътазилийлар тарқатишган экан. Бугунги кунда ҳам айрим тоифалар “ал-Фикҳ ал-акбар” асарида ўзларининг ботил ақидавий қарашларига зид нарсани кўришса, осонгина шаклда “Бу асарни Абу Ҳанифа ёзмаган”, деб ўзларини химоя қилмокчи бўлишади.

Ибни Амир Ҳож номи билан машҳур бўлган ханафий мазҳаб олими Шамсиддин Мухаммад Ҳалабий (825-879/1422-1474) ўзининг усул ал-фикҳга оид “ат-Такрир ва-т-тарбир” асарида гуноҳи кабира қилувчини кофирга чиқармаслик масаласида бевосита “ал-Фикҳ ал-акбар” асарида куйидагича иқтибос келтиради: “Абу Ҳанифа “ал-Фикҳ ал-акбар” асарида қибла аҳлини бирор гуноҳ туфайли кофирга чиқармасликни куйидагича зикр қилган: “Бирор кимсани ҳалол санамасдан бирор та гуноҳ қиладиган бўлса, уни кофирга чиқармаймиз”. Гарчи гуноҳи кабира бўлса ҳам. Мана шу қарашни аҳли сунна вал жамоанинг шиори қилган” (*Ibn Amir Hoj, 1999:404).*

## МУҲОКАМА

Тадқиқотчи Аминов Ҳамидуллоҳ “Имоми Аъзам Абу Ҳанифа ва унинг асарига қарши айтилган даъволарга раддия” номли асарида 40 та мўътабар манба асосида “ал-Фикҳ ал-акбар” асари Имом Абу Ҳанифага тегишли экани борасида далиллар келтирган. Мазкур манбалар орасида бошқа мазҳаб уламоларининг асарлари ҳам бор (*Aminov Hamidulloh, 2022:58-94).*

Бирок, айрим шарқшунослар ва тадқиқотчилар орасида “ал-Фикҳ ал-акбар” асари Имом Абу Ҳанифага тегишли экани борасида турли фикрлар мавжуд. Айримлари бу асарни Абу Ҳанифага

тегишлигини инкор қилсалар, баъзилари бу борада шубҳа билдирганлар. Жумладан, А.Ж.Венсинк илк бор “ал-Фикҳ ал-акбар” асари муаллиф ўзи ёзмаган” деган фикрни илгари сурган. У “ал-Фикҳ ал-акбар” асарининг икки варианты борлигини, муаллифнинг шогирди Абу Мутеъ Ҳакам Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Балхий (117-199/735-814) ривоятини “ал-Фикҳ ал-акбар” I, муаллифнинг ўғли Ҳаммод ибн Абу Ҳанифа (ваф. 176/792 й.) ривоятини “ал-Фикҳ ал-акбар” II шаклида бериб, биринчи муаллифнинг вафотидан кейинроқ ёзилганини, иккинчиси эса анча кеч, тақрибан X асрларда яратилганини айтади (*Wensinck A.J., 1932:102-124, 188-247, 264*). У “ал-Фикҳ ал-акбар” I деганда ислом оламида “ал-Фикҳ ал-абсат” номи билан шуҳрат қозонган асарни, “ал-Фикҳ ал-акбар” II деганда эса, асрлар давомида мадрасаларда ўқитиб келинган ҳозирги кунда биз “ал-Фикҳ ал-акбар” деб номлайдиган асарни назарда тутган. Гивоне Жозеф, Жозеф Шахт, Браннон М. Велер, Ульрих Рудольф ва бошқа бир қанча шарқшунослар унинг фикрини такрорлаганлар (*Givone Jozeph, 1977:120.; Jozef Schacht, 1986:124.; Brannon M. Wheeler, 2004:8-9.; Rudolf U., 1999:20-39*). Шарқ олимларидан Аҳмад Амин, Шиблий Нўъмоний, Муҳаммад Абу Заҳра, Али Самий Нашшор кабиларнинг ҳам айрим эътирозлари мавжуд.

“Фихрист” асарида Имом Абу Ҳанифанинг фақат “ал-Фикҳ ал-акбар” асари тилга олинган, “ал-Фикҳ ал-абсат” номи эса зикр қилинмаган. Бироқ, ундан олдин ёзилган “ал-Фарқ байн ал-фирак” асарида “ал-Фикҳ ал-акбар” билан бирга яна бир рисола бор экани қуйидагича тилга олинган: “Аҳли сунна вал жамоанинг иститоат феъл билан бирга пайдо бўлиши борасидаги қарашини қўллаб-қувватлаш мақсадида имло қилдирган яна бир рисола бор” (*Abdulqohir Bag ‘dodiy Shofe’iy, 1988:314*).

Имом Абу Ҳанифага тегишли ақидавий асарлар орасида энг ишончлиси “ал-Фикҳ ал-акбар” бўлиб, унда ҳанафийлик ва мотуридийликнинг энг асосий ақидалари ёритилган. Шунинг учун ҳанафийлар кўпроқ яшайдиган Мовароуннаҳр, Туркия, Ҳиндистон, Покистон, Ироқ ва Сурия ўлкаларидаги ҳозиргача мазкур асар тўлиғича мукаммал ва муфассал равишда ўқитилади. Шунингдек, мадрасаларнинг асосий ўқув қўлланмалари қаторида туради ва уни талабалар бошдан-оёқ ёд оладилар.

“Ал-Фикҳ ал-акбар” асарининг муаллифи Имом Абу Ҳанифа экани борасида шубҳа билдирадиганларнинг айримлари китобнинг услуби ва тили ўша даврга мос келмаслигини айтишади. Мазкур қараш баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича Имом Абу Ҳанифа

араб бўлмаган халқдан етишиб чиққанлигини қўра олмайдиган шахслар томонидан тахмин экани айтилади (*Aminov Hamidulloh, 2022:98*).

Шунингдек, “ал-Фикҳ ал-акбар” асарида оят ва ҳадисларнинг келтирилмаганини ҳам шубҳали, деб қарайдиганлар ҳам бор. Ваҳоланки, бу шубҳа асоссиз бўлиб, мазкур асардан оят ва ҳадисларни зикр қилиш эмас, балки улар билан собит бўлган ақидавий масалаларни ўқувчиларга аниқ ва содда услубда етказиш мақсад қилинган. Бу ҳолатни Абу Ҳафс Насафийнинг (461-537/1068-1142) “ал-Ақоид ан-насафия” асарида ҳам учратиш мумкин.

“Ал-Фикҳ ал-акбар” асарида ақидага тегишли бўлмаган фикҳий мавзуларнинг тилга олиншини ҳам унинг Имом Абу Ҳанифага тегишли эканига нисбатан шубҳа билдирадиганлар ҳам бор. Лекин бу шубҳа ҳам бирор бир асосга эга эмас. Чунки турли ихтилофларга барҳам бериш мақсадида дастлабки асрлардан махсига масх тортиш жоизлиги, таровеҳ намози йигирма ракат қилиб ўқилиши каби баъзи фикҳий мавзулар ақидавий манбалар ичидан ўрин олган.

Айрим тадқиқотчилар фикрича “ал-Фикҳ ал-акбар” асарида келтирилган айрим калом илмига оид мавзулар ва жавҳар (модда, материя, атом, эссенция) ёки араз (акседенция, симптом) сингари юнон ва араб бўлмаган бошқа файласуфлар асарида ўтиб келган фалсафий истилоҳлар Имом Абу Ҳанифа яшаган даврида тарқалмагани унинг муллиф томонидан ёзилганини шубҳа остига қўяди. Бироқ, Имом Абу Ҳанифа мазкур атамаларни билмаган, дейиш асосли эмас. Чунки юнон ва араб бўлмаган файласуфларнинг асарларини таржима қилиш унинг замонида ҳали кенг оммавий тус олмаган бўлмаса-да, лекин бир қанча фалсафий асарлар тўлиқ таржима қилиш ва улар билан танишиш бошланган эди. Буни умавийлар ва аббосийларнинг илк даврларидаги таржима ишлари бўйича олиб борилган тадқиқотларда ҳам қўриш мумкин (*Abdulhalim Mahmud, 1989:311.; Maryam Salom Kor, 1998:108*).

Халифа Умар разиялоху анҳу давридан ислом дини сарҳадлари кенгайиб борган. Араблар ажамларнинг илми билан танишар, мусулмонлар уламолар бошқа дин олимлари билан тез-тез баҳс-мунозара қилиб туришар эди. Мана шундай баҳс-мунозараларда бу хилдаги атама ва истилоҳлар ишлатилар эди, улардан кенг омма халқ хабардор бўлмаса ҳам, лекин ислом уламолари хабардор эдилар (*Hammod Rizo nuriy, 2013:50*). Айнан жавҳар, жисм ва араз каби фалсафий атамалар Имом Абу Ҳанифага қадар ҳам ислом уламолари томонидан ҳам қўлланилагани бир қанча манбалардан маълум. Жумладан, мўътазилийлар бошлиқларидан бири Амр ибн Убайд (80-144/699-761) ҳам ўз асарларида бу

истилоҳларни ишлатган (*Adilbaev A., Adilbaeva Sh., 2014:409*).

Шунингдек, айрим шарқшунослар имоннинг рукни тасдиқ ва иқрордан иборат экани, мўминларнинг маърифатда тенг бўлса ҳам бошқа жиҳатларда фарқли бўлиши, мўмин кишини ҳар қандай гуноҳ туфайли қуфрга нибат бермаслик каби ақидавий қарашлар ҳам Имом Абу Ҳанифага тегишли эмас, деб ҳисоблашган (*Şerafettin Göljuk, Adil Bebek, 1995:545*).

Ақида илми билан шуғулланувчи ва “ал-Фикҳ ал-акбар” асарига мукаммал шарҳ битган тадқиқотчи Муҳаммад ибн Абдурахмон Хаммис эса Аллоҳнинг Мусо (а.с.) билан тил ва ҳарфлар воситасиз сўзлашгани, жаннатда Аллоҳни бирор бир жиҳат ва масофасиз кўриш ҳақидаги ақидавий мавзулар Имом Абу Ҳанифа яшаган давридан кейин кўтарилганини ёзади. Шу билан бирга мазкур тадқиқотчи Ҳаммод ибн Абу Ҳанифадан ривоят қилинган “ал-Фикҳ ал-акбар”ни муаллифнинг энг ишончли асари, деб билади. Чунки унинг машҳур бўлгани ва сунний тўртала мазҳаб уламолари уни Имом Абу Ҳанифа асари сифатида эътироф этиши ҳамда ундан иқтибослар келтиргани бунинг ёрқин далили бўлишини алоҳида таъкидлаган. Шунингдек, ундаги ақидавий масалалар Имом Таҳовийнинг баён қилган эътиқодий мавзуларга мутлақо мувофиқ эканини айтиб ўтади (*Muhammad ibn Abdurahmon Hammis, 1996:142.; Muhammad ibn Abdurahmon Hammis, 2015:8*).

Абу Жаъфар Аҳмад Таҳовий (239-321/853-933) ҳанафий мазҳаб олими бўлиб, у ўзининг “ал-Ақида ат-таҳовия” номи билан машҳур бўлган “Баён ас-сунна” асарида Имом Абу Ҳанифа ҳамда унинг икки шогирди Абу Юсуф (113-182/731-798) ва Муҳаммад Шайбонийларнинг (132-189/748-804) ақидавий қарашларини экс эттирганганини алоҳида қайд этган (*Abu Ja'far Tahoviy, 1910:2*). Шунингдек, Соид Найсабурий (343-432/954-1040) “ал-Эътиқод” асарида ҳам Имом Абу Ҳанифанинг ақидавий қарашлари баён қилинган.

## ТАҲЛИЛ

Аслини олганда мазкур мавзулар кўтрилгани ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлгани унинг даврида ва ундан олдинги битилган манбаларда, шу жумладан, оят ва ҳадисларда мавжудлиги “ал-Фикҳ ал-акбар”га ушбу мавзулар ҳам киритилганини асослаб бера олади. Имом Абу Ҳанифага бағишланган қарийб барча манокіб асарларда у зотнинг ўз давридаги хаворижлар, мўътазилийлар, қадарийлар ва муржийлар сингари бир қанча фирка билан баҳслар олиб боргани бирма-бир

қайд этилган. Жумладан, имоннинг тасдиқ ва иқрордан иборат экани ҳақидаги қараш Имом Абу Ҳанифанинг жаҳмия фирқаси асосчиси Жаҳм ибн Сафвон (78-128/696-746) билан учрашганида инсон қалби билан Аллоҳни таниши то шуни тилга олмагунича мўмин бўлишга кифоя қилмаслигини айтган (*Soid Ustuvoy Naysoburiy, 2005:102*). Бу маълумот “ал-Фикҳ ал-акбар” асарининг муаллифи Имом Абу Ҳанифа эканини тасдиқлайди.

Мўмин кишини ҳар қандай гуноҳ туфайли кофирга чиқармаслик масаласи саҳобалар давридан бери бор эди. Имом Абу Ҳанифа “ал-Фикҳ ал-акбар” асарида бу борадаги қатъий қарашини хавориж фирқаси вакиллари билан бир неча марта олиб борган баҳс-мунозаралари натижасида келгани аниқ. Умуман олганда, “ал-Фикҳ ал-акбар” асарига киритилган барча ақидавий масалалар ўша давр тақозаси билан ёзилганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Шу билан калом илмининг мукаммал тарзда шаклланишида Имом Абу Ҳанифанинг алоҳида хизматлари борки, буни инкор қилиш мумкин эмас. Шунингдек, у кейинги давларда оммалашиб кетган ақидавий масалалар бўйича анча илгари ёзиб кетган бўлса, бу унинг буюк олим бўлганини тасдиқлайди, холос.

Аслида “ал-Фикҳ ал-акбар” асари Имом Абу Ҳанифага тегишли эмас, деган шубҳа ва иддаолар ўрта асрлардаёқ тарқалган эди. Унинг келиб-чиқишига мўътазилийлар сабабчи бўлишган. Мўътазилийлар “ал-Фикҳ ал-акбар”ни Имом Абу Ҳанифаники эмас, балки Абу Ҳанифа Муҳаммад ибн Юсуф Бухорий деган шахс мансублигини даъво қилишади. Бу борада Шамсулаимма Кардарий (559-642/1164-1244) бу даъволар мўътазилийлардан чиққан асоссиз гап эканини ва шу пайтгача аҳли сунна вал жамоанинг барча уламолари унинг Имом Абу Ҳанифаники эканини айтиб келишганини ёзган (*Ali Qori, 2002:53-54*).

Нажмулғани Ромпурий “Таълим ал-имон” асарининг шарҳида бу мавзуга тўхталиб, “ал-Фикҳ ал-акбар” бизларгача очиқ-ойдин ва машҳур санадлар билан етиб келгани ва унинг муаллифи Абу Ҳанифа экани ҳамда Муҳаммад ибн Юсуф Бухорийга нисбатланиши аниқ хато тухмат эканини зикр қилади (*Najmulg'ani Rompuriy, 1970:4-5*). Ҳанафий уламолар табақотига оид “ал-Жавоҳир ал-музия” асарида Муҳаммад ибн Юсуф Бухорий кароматни инкор қилгани зикр қилинган (*Abdulqodir Qurashiy, 1993:412*). Ваҳоланки, “ал-Фикҳ ал-акбар” асарида “Авлиёлар учун кароматлар ҳақдир”, деб келтирилган. Шу биргина далилнинг ўзи ҳам “ал-Фикҳ ал-акбар”ни Муҳаммад ибн Юсуф Бухорий ёзмаганини тасдиқлайди.

Мўътазилларнинг “ал-Фикҳ ал-акбар”ни Имом Абу Ҳанифа ёзмаган”, деб иддао қилишларининг сабаби мазкур асарда уларга қарши бир қанча раддиялар мавжуд. Жумладан, Аллоҳнинг сифатлари ва уларнинг қадимий ва азалий экани, муташобех сифатларни таъвил қилмаслик, Қиёматда Аллоҳни кўриш, қабр азобининг ҳақлиги, жаннат ва дўзах ҳозирда ҳам мавжудлиги, авлиёларнинг каромати каби ақидавий масалалар уларга раддия ҳисобланади. Шунинг учун мўътазиллар мазкур китоб буюк имом, улуғ мазҳаббоши томонидан уларга раддия сифатида ёзилмаган, деб иддиолар қилишдан тап тортишмаган.

“Ал-Фикҳ ал-акбар” асарининг ишончли ровийлар томонидан ривоят қилинган силсиласи мавжуд. Ушбу ровийларнинг аксарияти ҳанафий олимлари ҳисобланади. Туркия Диёнат вақфи ислом энциклопедияси ва Муҳаммад Зоҳид Кавсарий мақоласида қуйидаги ровийлар силсиласи келтирилган: Нусайр ибн Яҳё – Ибн Муқотил – Исом ибн Абу Юсуф – Ҳаммод ибн Абу Ҳанифа – Имом Абу Ҳанифа (*Şerafettin Göljuk, Adil Bebek, 1995:544.; Al-Olim va-l-mutaallim, 1949:6-7*). Мазкур силсиладиги ровийларнинг барчаси таниқли ҳанафий олимлари бўлиб, бу ҳолат асарнинг ишончлилик ва муаллифга мансублик жиҳатидан яна бир бор қувватлайди.

Ҳаммод ибн Абу Ҳанифадан ривоят қилинган “ал-Фикҳ ал-акбар”нинг яна бир ривоят силсиласи мавжуд. Уни Истанбулдаги “Муҳаммад Фотиҳ” университети профессори Муҳаммад Абу Бакр Абдуллоҳ Бозиб ўзининг мазкур асарнинг саол-жавоб шаклидаги қайта ишлаган вариантыда келтириб ўтган (*Muhammad Abu Bakr Abdulloh Bozib, 2016:7*). Мазкур ривоят силсиласи “Саҳиҳи Бухорий”нинг “Фатҳ ал-Борий” номли энг машҳур шарҳини битган Ибн Ҳажар Асқалонийга (773-852/1372-1449) етказилган. Ибн Ҳажар Асқалоний эса ўзининг “ал-Мўъжам ал-муфакхрас” асарида айнан Ҳаммод ибн Абу Ҳанифагача етган ривоят силсиласини тўлиқ келтирган (*Ibn Hajar Asqaloni, 1998:269*). Унда Ибн Ҳажар Асқалонийдан Ҳаммод ибн Абу Ҳанифагача 10 нафар олимнинг номи зикр қилинган.

Ровийлар силсиласидаги биринчи олим Нусайр ибн Яҳё Балхий (ваф. 268/882 й.) баъзи қўлёзмаларда Наср ибн Яҳё шаклида ҳам учрайди, аслида улар бир шахс ҳисобланади. У Абу Сулаймон Жузжоний (ваф. 200/815 й.) ва Муҳаммад ибн Муқотилнинг (ваф. 248/862 й.) шогирди бўлади.

Муҳаммад ибн Муқотил Розий ҳанафий фақиҳи ва олимларидан бири бўлиб, Рай шаҳрида қозилик қилган. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг шогирди ҳисобланади. Суфён ибн Уяйна (107-198/725-814) ва

Вакеъ ибн Жарроҳ (746-812) каби муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган.

Исом ибн Юсуф Балхий (ваф. 215/830 й.) ҳанафий фақиҳлари Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбонийнинг шогирди ҳисобланади. Суфён Саврий (97-161/716-778) ва Шўъба ибн Ҳажжож (129-197/701-776) каби муҳаддислардан ҳадис ривоят қилган.

Ҳаммод ибн Абу Ҳанифа (ваф. 176/792 й.) отасидан илм ўрганиб, фақиҳ сифатида танилган, парҳезкор олим ўлгани нақл қилинган. Куфа ва Басрада бир муддат қози бўлган (*Mahmud Kafavi, 2019:256*).

“Ал-Фикҳ ал-акбар”нинг яна бир ишончли санади Ҳиндистон уламолари орқали ҳозирги кунга қадар етиб келган. Мадинаи мунаввара шаҳрида истиқомат қилган асли ҳинд олими Саййид Ҳусайн Аҳмад Маданий (1296-1377/1879-1957) томонидан “ал-Фикҳ ал-акбар”ни ровийлар санади орқали ўқитган ва ўргатган. Мазкур олим орқали олинган ушбу санад бугунги кунда бир қанча шогирдлари қўлида мавжуд. Унинг санади қуйидагича: Саййид Ҳусайн Аҳмад Маданий – Муҳаммад ибн Исҳоқ Дехлавий – Имом Абдулазиз Дехлавий – Шоҳ Валийюллоҳ Дехлавий – Абу Тохир Курдий – Иброҳим ибн Ҳасан Куроний; Абдулғаний Мужаддий – Муҳаммад Обид Синдий – Юсуф Мизжоний – Иброҳим Куроний – Сафийуддин Кашшош – Аҳмад Шиновий – Шамсиддин Рамлий – Закариё Ансорий – Ҳофиз Ибн Ҳажар асқалоний – Муҳаммад ибн Али Ҳаририй – Қивомиддин Амир Котиб Итқоний – Буоҳониддин Бухорий – Шамсиддин Кардарий – Бадриддин Варсакий – Аюдуррахмон Кирмоний – Абу Бакр Арсобандий – Абу Абд Завзаний – Абу Зайд Дабусий – Абу Ҳафс Устуравшаний – Абу Али Ҳусайн Насафий – Абу Муҳаммад Абдуллоҳ Ҳорисий – Абу Ҳафс Сағир – Абу Ҳафс Кабир – Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний – Имом Абу Ҳанифа.

“Ал-Фикҳ ал-акбар”нинг сандидаги ровийлар тўғрисида муҳаддислар ва ҳадис ровийларини тадқиқ қилувчилар таъна билдириб, заиф ровий деб ҳисоблаганлари бўлиши мумкин. Бироқ, биринчидан улар ҳадис ривоятида заиф бўлса ҳам фикҳ ва ақида борасида ишончли шахслар бўлишган. Демак, “ал-Фикҳ ал-акбар”нинг санадидаги ровийлар ишончли ҳисобланади.

Имом Абу Ҳанифанинг ақидага оид асарларини таҳқиқ қилган тадқиқотчи Акрам Муҳаммад Исмоил Абу Авводнинг зикр қилишича, “ал-Фикҳ ал-акбар”нинг санадлари ичида энг машҳури Ҳафид номи билан машҳур бўлган Муҳаммад ибн Мустақо Оширнинг (1142-1219/1730-1804) санади ҳисобланади. Мазкур санадда 30 ровий орқали Имом Абу Ҳанифага боғланади. Бу санаднинг машҳур бўлиш сабабларидан

бири, ханафий ровийлардан ташқари унда моликий, шофеъий ва ханбалӣй уламолар ҳам бор. “Ал-Фикҳ ал-акбар”нинг мазкур санади Мадинаи мунавварадаги “Шайхул ислом Ориф Хикмат” кутубхонасидаги №226 рақам остида сақланаётган қўлёзмада келтирилган. Шунингдек, “ал-Азҳария” кутубхонасида сақланаётган №34197 рақам остида сақланаётган қўлёзмадаги санад билан муштарак ҳисобланади. Фақатгина “ал-Азҳария” кутубхонасида сақланаётган қўлёзмада ровийлар силсиласи Акмалуддин Борбартийдан (714-786/1315-1385) бошланган. Шунингдек, тадқиқотчи Акрам Муҳаммад Исмоил Абу Аввод “Ал-Фикҳ ал-акбар”нинг машҳур санадидаги ўттизта ровийнинг барчасининг тўлиқ таржимаи ҳоли ҳақида батафсил маълумотларни тақдим қилган (*Doktor Muhammad ibn Ismoil Abu Avvod, 2022:93-109*).

Бундан ташқари “ал-Фикҳ ал-акбар” асарининг дунёнинг турли фонд ва кутубхоналарида сақланаётган 23 та қўлёзма нусхасининг аввалги ва охириги бетларининг фотокопияларини тақдим этган (*Doktor Muhammad ibn Ismoil Abu Avvod, 2022:159-181*).

Исҳоқ Ҳаким Румий (ваф. 950/1543 й.) “Мухтасар ал-ҳикмат ан-набавия” асарида қуйидагиларни зикр қилган: “Билинги, “ал-Фикҳ ал-акбар” номли китоб тавҳид, сифатлар ва бошқа эътиқодий масалаларда шундай даражага етганки, агар барча инсонлар ва жинлар биргалишиб ҳаракат қилишсалар ҳам Аллоҳ таоло тавфиқ ва нусрат ато қилишмаса, бундай китоб ёза олмайдилар”.

## ХУЛОСА

Имом Абу Ҳанифа ўз давридаёқ ҳасадчиларнинг таъналарига рўбарў бўлган ислом уламоларидан ҳисобланади. Асрлар оша унинг фикрларига ва асарларига қарши билдирилган айрим ноҳолис қарашлар бугунги кунда ҳам янги кўринишларда бўй кўрсатмоқда. Маълумки, ақида масалаларига бағишланган асарлар ҳар бир даврда ҳам муҳим аҳамият касб этган. Чунки инсоннинг машаққат билан қилган тоат-ибодатлари ва амалларининг охиратда қабул бўлиши тўғри эътиқодга боғлиқ бўлади. Қолаверса, шу дунёнинг ўзида ҳам нотўғри ақида оқибатида инсонлар орасида тафриқачилик, парокандалик ва соғлом инсон ақли нафратланадиган ҳар қандай тубанликлар пайдо бўлади.

“Ал-Фикҳ ал-акбар” қисқа ҳажмли асар бўлиб, содда тилда битилган. Унда исломий ақоиднинг тамал мавзулари қамраб олинган, улар аҳли сунна вал жамоа таълимотининг асосини ташкил қилади. Айрим ақидавий масалаларга эса ўта муҳим бўлгани сабабидан

келиб чиқиб, Имом Абу Ҳанифа раҳимахуллоҳ такрор-такрор, қайта-қайта мурожаат қилган. “Ал-Фикҳ ал-акбар” асарининг Имом Абу Ҳанифага тегишли экани борасида табақот асарларида ихтилоф қилинмаган. Шунингдек, бу борада тарқатилган шубҳалар ХХ асрга тегишли бўлиб, булар куруқ даъволар ва аҳли сунна вал-жамоага отилган таъна тошлари, холос. Бу каби шубҳаларни эшитиб, ўзида иккиланиш топган инсон, албатта, манбага ёки мутахассисга мурожаат қилиши ва ушбу шубҳаларни даф қилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

“Ал-Фикҳ ал-акбар” асари Мовароуннаҳрга Имом Абу Ҳанифанинг шогирди Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний орқали кириб келган. Уни Мовароуннаҳрга Абу Ҳафс Кабир олиб кирган. Шунингдек, “ал-Фикҳ ал-акбар” балхлик олимлар орқали ҳам Мовароуннаҳрга бевосита кириб келган ва мотуридийлик таълимотига асос бўлган.

## REFERENCES:

1. Abdulhalim Mahmud (1989). At-Tafkir al-falsafiy fi-l-islom. Bayrut : Maktabaa al-Maorif. 234 s.
2. Abdulqodir Qurashiy (1993). Al-Javohir al-muziya (J. 5). Hajar : Dor at-tiboa va-n-nashr. 532 s.
3. Abdulqohir Bag'dodiy Shofe'iy (1988). Al-Farq bayn al-firaq. Qohira : Maktabaa Ibn Sino. 286 s.
4. Abdulqohir Bag'dodiy Shofe'iy (1928). Usul ad-din. Istanbul : Matbaa ad-davla. 360 s.
5. Abu Ja'far Tahoviy (1910). Bayon as-sunna. Qozon : Maorif kutubxonasi. 421 s.
6. Abu Mansur Muhammad Samarqandiy Moturidiy (1903). Sharh al-fiqh al-akbar. Haydarobod : Matbaa majlis doirat al-maorif. 178 s.
7. Abul Muin Nasafiy (1993). Tabsirat al-adilla / Tahqiq: Husayn Atoy. Anqara : Nashriyot riosat ash-shuun ad-diniya. 564 s.
8. Abulmuzaffar Isfaroiniy (1955). At-Tabsir fi-d-din. Misr : Maktabaa al-xonjiy. 456 s.
9. Abulyusr Muhammad Bazdaviy (2003). Usul ad-din. Qohira : Maktabaa al-azhariya. 271 s.
10. Адилбаев А., Адилбаева Ш. (2014). Абу Ханифа и ханафитский мазхаб. Алматы : Кокжиек. 444 s.
11. Akmaluddin Bobartiy (1997). At-Taqrir (J. 1). Makka : Jomea Umm al-quro. 343 s.
12. Ali Qori (2002). Al-Asmo al-janiya. Patna : Xudobaxsh. 575 s.
13. Al-Olim va-l-mutaallim (1949). Rivoyat Abi Muqotil an Abu hanifa / Tahqiq: Muhammad Zohid Kavariy. Qohira : Matbaa al-Anvor. 234 s.
14. Alouddin Abdulaziz Buxoriy (1890). Kashf al-asror (J. 1). Istanbul : Shirkati saffohiya usmoniya. 354 s.
15. Aminov Hamidulloh (2022). Imomi A'zam Abu Hanifa va uning ilmiy asariga qarshi aytilgan da'volarga raddiya.

- Toshkent : O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi nashriyot-matbaa birlashmasi. 147 s.
16. Ash-Shofiy fi-l-usul. Ketabpediya.com sayti qo'lyozmasi. 187 s.
  17. Badriddin Zarkashiy (1992). Al-Bahr al-muhit (J. 1). Kuvayt : Dor as-safva. 486 s.
  18. Brannon M. Wheeler (2004). Abu Hanifa // The Encyclopedia of Islam and the Muslim World. Volum I. USA : Macmillan Reference. 234 s.
  19. Faxrulislom Ali Bazdaviy (2016). Kanz al-vusul ila ma'rifat al-usul. Madina : Dor as-siroj. 452 s.
  20. Givone Jozeph (1977). The Murji'a and the theological school of Abu Hanifa. A historical and ideological study. Edinburgh : University Press. 321 s.
  21. Ibn Abulizz Dimashqiy (1993). Sharh al-aqida at-tahoviya. Bayrut : Muassasa ar-Risola. –245 s.
  22. Ibn Amir Hoj (1999). At-Taqrir vat-tahbir (J. 3). Bayrut : Dor al-kutub al-ilmiya. 328 s.
  23. Ibn Hajar Asqaloniy (1998). Al-Mo'jam al-mufahras. Bayrut : Muassasa ar-Risola. 345 s.
  24. Ibn Nadim (1971). Al-Fehrist / Tahqiq: Rizo Tajavvud. Tehron. 543 s.
  25. Ibn Qudoma Maqdisiy (1988). Isbot sifat al-uluv. Madina : Maktabaa al-ulum val-hikam. 248 s.
  26. Jaloliddin Xorazmiy Gurloniy. № mmnw4509. 314 s.
  27. Jozefh Schacht (1986). Abu Hanifa al-Nu'man b. Thabit // The Encyclopedia of Islam. New edition. Yolume I. Leyden: Brill. 672 s.
  28. Mahmud Kafaviy (2019). Katoib a'lom al-axyor (J. 2). Bayrut : Dor al-kutub al-ilmiya. 542 s.
  29. Majmui kutub va rasoil va vasoya al-Imom al-A'zam Abi Hanifa an-No'mon ibn Sobit at-Tamimiy al-Kufiy raziyallohu anhu / tahqiq: Doktor Muhammad ibn Ismoil Abu Avvod (2022). Ammon : Maktabaa al-g'onim lin-nashr vat-tavze'. 465 s.
  30. Maryam Salom Kor (1998). At-Tarjima fil asr al-abbosiy. Damashq: Manshurot vizora as-saqofa. 312 s.
  31. Muhammad Abu Bakr Abdulloh Bozib (2016). Tabsit matn al-Fiqh al-akbar ala tariqat as-suol va-l-javob. Qohira: Dor as-solih. 62 s.
  32. Muhammad ibn Abdurahmon Xammis (1996). Usul ad-din inda al-Imom Abi Hanifa. Riyozi: Dor as-Sumay'iy. 699 s.
  33. Muhammad ibn Abdurahmon Xammis (2015). Al-Fiqh al-akbar li-l-Imom Abi Hanifa / Sharhan va dirosatan (J. 2). Riyozi: Maktaba ar-rushd. 256 s.
  34. Najmulg'ani Rompurii (1970). Ta'lim al-imon. Karachi: Orombog'. 521 s.
  35. Rudolf U. (1999). Al-Maturidi i sunnitskaya teologiya v Samarkande. Almat : Fond XXI vek. 286 s.
  36. Şerafettin Göljuk, Adil Bebek (1995). El-Fıkhül-ekber // Türkiye Diyanet Vakıf İslam ansiklopedisi (C. 12). Türkiye : Türkiye Diyanet Vakıfı Yayınları. 547 s.
  37. Soid Ustuvoyi Naysoburiy (2005). Kitob al-e'tiqod. Aqida marviya an al-Imom al-a'zam Abi Hanifa. Bayrut : Dor al-kutub al-ilmiya. 262 s.
  38. Hammod Rizo nuriy (2013). Kitobi Fiqhi akbar. Lohur: Zoviya. 342 s.
  39. Hofizuddin Abul Barokat Nasafiy (2010). Kashf al-asror (J. 1). Bayrut : Dor al-kutub al-ilmiya. 563 s.
  40. Hofizuddin Muhammad ibn Bazzoz Kardariy (1903). Manoqib al-Imom al-A'zam // Abul Muayyid Muvaffaq Xorazmiy. Manoqib al-Imom al-A'zam Abu Hanifa (J. 1). Haydarobod : Majlis doirat al-maorif an-nizomiya. 234 s.
  41. Husomiddin Sig'noqiy (2001). Al-Kofiy. Riyozi: Maktabaa ar-rushd. 421 c.
  42. Wensinck A. J. (1932). The Muslim Creed. Its genesis and historical developohnt. London : Gambridge at rhe University Press. 304 s.